

# ШАРТНОМА № 105

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш)

«27» июн 2022 йил

Фарғона ш.

**«TRUST BUSINESS OFFICE» МЧЖ номидан раҳбар М.Эргашев**

(хужалик юритувчи субъект, ФИШ)

бундан буён бир томондан «Сотувчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан **Фарғона шаҳар Марказий майдонларни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва сақлаш**

**Департаменти номидан директор А.Назирев**

(хужалик юритувчи субъект, ФИШ)

низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Харидор» деб юритилади ва қуйдагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, хизмат курсатиш, «Харидор» эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

т/р №	Махсулот ва товар номи	Ўлчов бирлиги	Мик дори	Нархи	Суммаси
1	Дождеватель (спринклер R-10)	дона	926	141 260	130 806 760
	<b>Жами:</b>				<b>130 806 760</b>

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: **130 806 760,00 (Бир юз ўттиз миллион саккиз юз олти минг етти юз олтмиш) сўм, 00 тийин ҚҚС билан**

## III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотувчи» товар ва хизмат учун олдиндан, етказиб берилаётган ва кўрсатилган товарнинг 30% микдоридида пул утқизиш йули билан туловни амалга оширади қолган 70% тўлов махсулот товар-моддий бойликлар қабул қилиниб, хизмат яқунлангандан сўнг амалга оширилади.

3.2. Товарлар «Харидор»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган ҳолда қушимча белгиланади.

## IV. ТОВАР (ХИЗМАТ) ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний қучга киргандан сунг товарни 3 кун муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

(хизмат, товар етказиб бериш муддати)

## V. ТОВАР (ХИЗМАТ) СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар (хизмат)нинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификат), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Буюртмачи»нинг талабига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Пудратчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Сотувчи» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг

2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реқвизитларини расмийлаштириш шарт.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 1 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган

хисоб-вараклар буйича тулов амалга оширилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблаги булган холда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартномада курсатилган сумманинг 0.5 % миқдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня миқдори етказиб берилмаган махсулот қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбдор тараф 5% миқдорида жарима тулайди.

7.4. «Харидор» олинган товар учун туловни уз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорида «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ булмаслиги лозим.

7.5 Текширув органлари томонидан махсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда уртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан копланеди.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги холатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, хар қандай холатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб булмайдиган куч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

## IX. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг қелишуви билан хал қилинади. Узаро қелишилмаса хужалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда хал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг узаро қелишувиға асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан қелтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «27» июндан 2022 йил «31» декабргача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бошқармаси (булим)да руйхатдан утқазилганидан сунг қонуний қучга қиради.

## X. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### «СОТУВЧИ»

«TRUST BUSINESS OFFICE» МЧЖ  
Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри  
Б.Марғилоний кўчаси 72-уй  
ИНН: 306 799 045  
х/р: 20208000205134668001  
МФО: 00524

Банк: «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АКБ  
Фарғона ш. Қирғули филиали

Рахбар:  М.Эргашев

### «ХАРИДОР»

ФШММКО ва С Департаменти  
Фарғона ш. Юқсалиш 59а уй  
Х/Р: 23402000300100001010  
ШХР: 100022860304017065100110019  
ИНН: 207 211 415 ОКОНХ: 90211  
Марказий банк ХҚКМ Тошкент ш.  
Бош бошқармаси, ИНН: 201 122 919

Директор:  А.Назиров

Хуқуқшунос:  А.Абдурахмонов